



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 13 сентябрь, пайшанба, 37 (461)-сон



Худудий партия ташкилотларида

4 ЯНГИ РУКН



Жаҳон пахта саноати форуми

7 АНЖУМАН



Кураш ҳали давом этади

8 ФУТБОЛ

«Пахта - 2012»



ПАХТАКОРЛАР ХУЗУРИДА

Мамлакатимизнинг барча худудлари қатори Наманган вилоятида ҳам пахта йиғим-терими жадал суръатда давом этмоқда. Пахта хирмонлари кундан-кунга юксалиб бормоқда. Бунда пахтакорларга яратилган қўлай шарт-шароитлар, рағбатлантирувчи омишлар муҳим ўрин тутаётди. Хусусан, бевосита пахта далаларида теримчиларга маданий хизмат кўрсатилаётгани терим суръати ва меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилаётди. Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлиmlари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлардан иборат ижодий гуруҳлар пахтакорлар хузурида бўлиб, маданий-маърифий дастурлар билан теримчиларнинг мароқли хордиқ чиқаришига қўмаклашмоқда. Ана шундай тадбирлар Мингбулоқ туманидаги бир неча фермер ҳўжаликларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган улкан натижалар ҳақида сўз юритилди. Бундай маданий-маърифий тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

«ЯГОНА ОЙНА» — ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида «Ягона ойна» тизими иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жорий этилган мазкур тизим самарасида тадбиркор бўлишни истаган шахсларнинг рўйхатга олиниши, коммуникация тармоқларига уланиши, уларга ер ажратиш, рухсатномалар бериш каби масалалар бир жойнинг ўзида ҳал этилади. — Илгари кичик бизнес субъектини рўйхатдан ўтказиш учун ўнга яқин идорага мурожаат қилиш ва қирққа яқин ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинганини ҳисобга олсак, бугун тадбиркорлик учун қанчалик кенг имкониятлар яратилаётгани ойдинлашади. — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари Хуэй Ляньюни қабул қилди

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўтлар экан, ХХРдан бундай нуфузли делегациянинг келиши томонларнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганидан яна бир далолат эканини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги музокаралар доирасида ўттиздан зиёд сармоявий лойиҳани амалга оширишни кўзда tutувчи умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Аяни пайтда ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи ҳамда Қўнғирот сода заводининг қувватларини ошириш бўйича иш олиб борилмоқда. 2012 йил август ойидан ХХРга Ўзбекистон табиий газини мунтазам етказиб бериш бошланди. «Ўзбекистон-Хитой» газ қувурининг учинчи тармоғини қуриш ва фойдаланишга топшириш Урта Осиёдан Хитойга табиий газ экспорти ва транзитини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради. Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик билан бирга, Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат парки барпо этилиши ўзаро самарали ҳамкорликнинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлади. Молиявий-техникавий ҳамкорлик кўлами жадал кенгайиб бормоқда. Унинг доирасида Хитой Давлат тараққиёт банки ва ХХР Экспорт-импорт банки ажратган кредитларнинг умумий миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларига етди. Транспорт коммуникацияларини оптималлаштириш — икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги алоҳида устувор соҳа. Олий даражадаги келишувга биноан шу кунларда Навоий-Тяньцзин йўналиши бўйича юклар авиаташuvi йўлга қўйилди, истиқболда эса ҳаво кемаларининг Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарларига парвозлари режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг июль ойидан Тошкент билан Урумчи ўртасида йўловчи ташиш бўйича мунтазам рейслар амалга оширилмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 44,5 фоиз ўсиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Хуэй Ляньюй самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асносида қабул қилинган жами қиймати 535 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади. Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Парламентда



Хусусий банклар ва молиявий институтлар учун кафолат кучайтирилмоқда

О'zLiDeP фракцияси аъзолари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини электрот вакиллари манфаатидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилдилар

Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилган О'zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматовнинг фикрича, мазкур тизимни янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг ҳамда сугурта компаниялари, микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш молия хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш, халқаро стандартларга мос бўлган замонавий инфратузилмани шакллантириш имконини янада кенгайтиради. Қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг кафолатларини таъминлашга қаратилгандир. Унда хусусий банклар ва бошқа молия институтларини ташкил этиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари ва кафолатлари, шунингдек уларни текшириш тартиблари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРДАН КўПЛАБ МАМЛАКАТЛАР ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ



Мамлакатимизда бошланган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда қирқдан зиёд мамлакатдан икки юз элликка яқин давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири анжуман қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Ўзбекистон эришаётган улкан юксалишлар хорижда катта қизиқиш уйғотмоқда

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқандга ташриф буюрди



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари 12 сентябрь куни Самарқандга бўлиб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишдилар, қадимий шаҳарнинг жаҳонга машҳур тарихий ва меъморий обидаларини зиёрат қилдилар. Мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,6 фоиз ўсди. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи худудий маҳсулот таркибиде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,6 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, қишлоқ жойларида унинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва кўламини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта бўлмоқда. «Ўзбекистон иқтисодиётида улкан юксалишларга эришилаётганини катта қизиқиш билан кузатиб бораёلمиз, — дейди Венгрия Миллий иқтисодиёт вазирлиги департамент директори Питр Пагакас. — Мамлакатингиз иқтисодиётида қўлга киритилган муваффақиятларни Самарқанд мисолида ҳам кўришга муваффақ бўлдик.

5 ШУ СОНДА:

НЕГА БПТ АЪЗОЛАРИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАШАЯПТИ?

Хусусий банклар ва молиявий институтлар учун кафолат кучайтирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
XXI ASR

Қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтларига аниқ таъриф берилиб, кредит ва молия ташкилотлари сингари уст-тав фондида умумий улунинг элик фонидан ортиги жисмоний шахслар ҳамда устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахслар томонидан шакллантирилиши кўрсатиб ўтиляпти. Шунингдек, улар фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашини йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам қонун лойиҳасида назарда тутилган.

Хужжатда мазкур институтларнинг давлат ҳокимияти, бошқарув ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларининг амалдаги механизмини кучайтириш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Фракция йиғилишида "Микромолиялаш соҳасининг янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида", "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, шунингдек "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонуннинг ўз кучини йўқотганини тасдиқловчи нормалар назарда тутилмоқда.

— Микромолиявий хизматлардан фойдаланиб қарз олувчилар, яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Микромолиялаш тўғрисида"ги қонунга аниқлаштирувчи норма киритилапти, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Унга кўра, буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида мазкур ташкилотлар буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ аҳборотни ёзма равишда тақдим қилишлари шарт. Бундан ташқари, микромолиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотларга улар томонидан ажратиладиган кредитларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча харажат-



СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 176-МОДДАСИ САККИЗИНЧИ БАНДИ ВА 179-МОДДАСИНИНГ ОЛТИНЧИ БАНДИГА ОИЛАВИЙ КОРХОНАНИНГ ФОЙДАСИ СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ТЎЛАНГАНИДАН КЕЙИН УНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАСАРРУФИГА ЎТГАНДА, УНГА СОЛИҚ СОЛИНМАСЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА.

лар, жумладан, номинал фойз ставкаси, комиссия ҳақ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи эффектив фойз ставкаси ҳақида буюртмачига ахборот бериш юзасидан қўшимча мажбурият юклатилмоқда.

"Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунга киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан микрокредит ташкилотлари учун мажбурий иқтисодий метрлар ўрнатиш ҳам назарда тутилмоқда. Улар доимий мониторинг қилиниши лозим бўлган хавф-хатарларнинг асосий индикаторини ўзида мужассам этган ҳолда бутун тизимнинг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган.

Микрокредит ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига амал қилинишининг таъсирчан ме-

ханизмларини жорий этиш мақсадида мажбурий иқтисодий метрларни бузган микрокредит ташкилотга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш бўйича норма белгиланмоқда. Бундай чора микрокредит ташкилотларнинг носоглом фаолият кўрсатишларининг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси орқали киритилаётган асосий қўшимчалардан яна бири микрокредит ташкилотлари миқозлари ва кредитларининг ҳисобварақлари ҳамда операцияларига нисбатан банк сиринормаларини тақиб этишдан иборат. Шунингдек, назорат тизимининг лозим даражада фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида ички аудит хизматини ташкилотларнинг барча бўғиндаги бошқарув органларининг масъулиятини кучайтириш, улар фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини тақомиллаштиришга қаратилган.

"Микромолиялаш тўғрисида" ҳамда "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, шунингдек, "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонуннинг ўз кучини йўқотган деб топилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

О'зЛиДеР фракцияси аъзолари атрофлича қўриб чиққан на-вбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни лой-

иҳаси бўлиб, мазкур кодексни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида оилавий корхона-нинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтиши ҳамда унга солиқ солинмаслиги белгиланган. Шунга асосан Солиқ кодексининг 176-моддасининг олтинчи бандига оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтганда, унга солиқ солинмаслиги тўғрисида қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

— Яна бир муҳим жиҳати, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга биноан оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланганидан тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фулом Омонкулов. — Шунга мувофиқ, Солиқ кодексининг 351-моддасига оилавий корхона фақат ягона солиқ тўловчиси ҳисоблан-иши юзасидан ўзгартириш киритилиши назарда тутилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан оилавий корхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатиши таъминланиб, уларнинг солиқ ва бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритиши учун ҳуқуқий асос яратилади.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Кис ЛАДАЖ,

«Fontis» университети профессори (Нидерландия):

— Мен таълим соҳасида фаолият юритиш билан бирга ўзимнинг хусусий "Interwine Consultancy" компаниямга ҳам эгаман. Тадбиркорлик борасида ҳам назарий, ҳам амалий тажрибага эга мутахассис сифатида Ўзбекистонда кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Компаниямиз ишбилармонларга инновацион лойиҳаларни амалга оширишда маслаҳат беради. Нидерландияда ҳам Ўзбекистон каби мазкур соҳани ривожлантиришга эътибор катта. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Кичик компаниялар катта корхоналарга нисбатан ёрдамга, моддий рағбатга ва амалий қўллаб-қувватлашга кўпроқ муҳтож бўлади. Ўзбекистонда янги иш бошлаган компанияларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасида пухта тартибга солинган банк тизими шаклангани эътиборлидир. Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини корхоналарга ишга жойлаш, малакасини ошириш ва ўз хусусий бизнесини очишида уларни моддий ва назарий қўллаб-қувватлашнинг тўғри ва аниқ тизими йўлга қўйилган. Бу ёш тадбиркорларнинг бизнесга бўлган қизиқишини янада оширади.

Нориюки ЙОНЕМУРА,

Япония иқтисодий жағфармасининг бозорга йўналтирилган иқтисодий ривожлантириш бўйича интеллектуал ҳамкорлик офиси бош қотиби:

— Ўзбекистонда иқтисодий, маданият, фан-таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган бекиёс ишларга таҳсин айтса арзийди.

МАМЛАКАТИНГИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАРГА ТАЛАБ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ, ХУСУСАН, САНОАТ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАНИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдираётганининг боиси — Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бораётганидир. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб тобора ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодийнинг барча соҳалари, хусусан, санаят жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Долзарб мавзудаги ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш мен учун катта шараф. Ушбу анжуман Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш, таниқли экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Сабина ГАЙЦЕНАУР хоним,

«Avkgroup» компаниясининг минтақавий менежери (Австрия):

— Компаниямиз спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш ва уларнинг дизайни, спорт заллари қурилиши билан шуғулланади. «Avkgroup» томонидан лойиҳалаштирилган барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт иншоотлари халқаро стандартларга тўла мос. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сивбатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти мавзудаги халқаро конференцияда қатнашиш асосида мамлакатингизда бу соҳада фаолият олиб борувчи фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш истагидамиз. Австрияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ялли ички маҳсулотнинг тахминан 60 фоиздан ортигини ишлаб чиқаради. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилади.

Каспарс КЛЯВИНЬШ,

Рига техника университети профессори, (Латвия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий бизнесни самарали йўлга қўйиш борасида олиб борилётган изчил ишлар таҳсинга лойик. Жамиятнинг муҳим бўлаги бўлиши оила даромадини ошириш оилани мустаҳкамлаш демакдир. Давлатингиз раҳбари томонидан оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган имтиёзли кредитлар, грантлар ва амалий ёрдам нафақат шахрлардаги, балки қишлоқ жойлардаги оилалар учун ҳам кенг имкониятлар яратётгани жуда қувонарли. Ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, ишга жойлаштириш истагида бўлган аёлларни иш билан таъминлаш чоралари, хотин-қизларни асосан касаначилик, оилавий бизнесга жалб этилаётганидан хабарим бор. Бу борада Ўзбекистондан кўп нарса ўрганасан бўлади. Ўзбекистон иқтисодийнинг жадал ва барқарор ривожини мамлакатингиз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини тасдиқлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий таркибий янгилаш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоялар миқдоридан ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўпгина мамлакатлар ўрнак олса арзийди.

Мадина УМАРОВА, (Ўза мухбири) ёзиб олди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

«ЯГОНА ОЙНА» — ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 12 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа вакилларига янада кенг қўлайликлар яратмоқда.

Қарор ижроси доирасида юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Ҳозир бунга кўпи билан икки иш куни кетади. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда қўшимча имтиёзлар яратилди. Хусусан, кичик корхоналарга солиқ, божхона тўловлари бўйича енгилликлар берилди, айрим нотариал чикимлар бекор қилинди. Тақдим этиладиган ҳисоботлар сони ҳам кескин камайтирилди.

"Ягона ойна" тизими бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлиб, бу ерда солиқ, статистика, банк, архитектура, кадастр, электр тармоқлари, иссиқлик таъминоти каби ўндан зиёд хизмат ташкил этилгани тадбиркорларга катта қўлайлик бўлди.

Тизим фаолияти адлия ходимларининг алоҳида назоратида. Улар шу ернинг ўзида тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминловчи имтиёз ва кафолатлар бўйича тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериб боради. "Ишонч телефони" фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

— Замонавий талабларга жавоб берадиган мазкур марказнинг иш бошлагани жуда яхши бўлди, — дейди Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган "Жаҳонгир-Билал" кичик корхонаси раҳбари Жаҳонгир Курбанов. — Бир жойда ҳамма масалага ечим топиш мумкинлиги тадбиркор вақтини, маблағини тежайди, ишлашга бўлган рағбатини оширади.

Н.АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири

«Камолот ТУР»

ҲОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини омаллаштириш, велоспорт турига қизиқувчи йигит-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган аънавий «Камолот ТУР» веломарафонининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан катор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур велопойгада 150 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Улар қадимий Арк қалъасидан "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументигача бўлган масофада ўзаро куч синашди. Пойгада ўқувчилар ўртасида Алишер Нуров, ёшлар гуруҳида Элғиз Сибгатулин, катталар ўртасида Алишер Фозилор биринчи ўринни эгаллаб, веломарафоннинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Э.ЁДГОРОВ, Ўза мухбири

Ўзбекистон эришаётган улкан юксалишлар хорижда катта қизиқиш уйғотмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Таърифга сўз ожиз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келямиз. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни гоят катта эканининг гувоҳи бўляпмиз. Бу ушбу секторнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш мақсадида қабул қилинган қатор ҳужжатларда ўз инфодасини топган. Ўзбекистонда тадбиркорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун банклар томонидан берилган кўплаб кредитлар ишбилармонларнинг нафақат ички бозорда иш юритиши, балки минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, илгор илим-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами 13 минг 155, шу жумладан, саноатда — 2373, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида — 1958, транспорт ва алоқда — 319, қурилиш соҳасида 1342 кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. 2011 йилда туман ва шаҳар ҳокимликлари қoшидаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан 2281 кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари улуши изчил ошиб бормоқда. Бу юксалиш асосан янги саноат корхоналари ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги «Дака Текс» хорижий корхонасида Швейцариянинг замонавий технологиялари ўнатилагани ишлаб чиқариш ҳамини кескин ошириш имконини берди. Корхона томонидан 2011 йилда 3,9 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Вилоятда бундай кичик корхоналар томонидан кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Жумладан, Урғут туманидаги «Сам Урғут» қўшма корхонасида электр духовка ишлаб чиқариш, «Арфа экспорд» қўшма корхонасида резина оёқ кийимлар тайёрлашда ишлаштирилган гранулар, Булунгур туманидаги «Ҳамидобод имкон» масулияти чекланган жамиятида атир совун ишлаб чиқариш, «Самарқанд Ламит» корхонасида ламинант тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўлди, — дейди Латвиянинг Европа тадқиқотлари институти директори, иқтисод фанлари доктори Александр Гапоненко. — Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатнинг иқтисодиётини янада тараққий эттиришга, хусусан, саноат тармоқлари маҳсулотларига бўлган талабни ошириб, минглаб



— ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ МАМЛАКАТИНГИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШГА, ХУСУСАН, САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ОШИРИБ, МИНГЛАБ ЯНГИ ИШ ҲАМ ИШЛАРНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ЖАҲОННИНГ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРИДА, ЖУМЛАДАН, ЛАТВИЯДА ҲАМ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПАСАЙИБ КЕТАЁТИР.

янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида, жумладан, Латвияда ҳам иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетаётди. Ўзбекистонда эса ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор. Мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил тараққий этаётгани, ушбу соҳани ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини Ўзбекистондаги, хусусан, Самарқанд шаҳридаги коллеж ва ишлаб чиқариш объектлари мисолида яққол кўрдик. Ўзбекистоннинг мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттириш бўйича изчил ислохотларни чуқурлаштиришга оид бой тажрибаси, пухта ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсати кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланишда ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Самарқандда гиламдўзлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган 34 корхона томонидан 2011 йилда 15,5 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу — 2006 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Сам Антеп гилам» қўшма корхонаси Урта Осиёда гилам ва гилам ишлаб чиқариш соҳасида етакчилардан ҳисобланади. Корхонада энг замонавий технологиялар асосида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва модернизация ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2011 йилда 4 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди. Натижада корхонанинг йиллик қуввати ошди, қўшимча 45 янги иш ўрни яратилди. 2011 йилда вилоятдаги жами кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан эса 87,4 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулотлар экспорт қилинди.

«Самарқанддаги гилам ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти билан танишиб, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожига, тадбиркорларнинг фаол ва муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит яратилганига амин бўлдим, — дейди Шанхай Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Хитой Миллий иқтисодиёт институтининг иқтисодий ва ижтимоий трансформацияларни ўрганиш маркази директорининг

ўринбосари Цянь Юан Юан хоним. — Мазкур корхонада тайёрланаётган исталган ҳам ва рангдаги, турфа нақш ва безакли, ўзига хос дизайнга эга гилам ва гилам маҳсулотлари юксак сифати ва рақобатбардорлиги билан ҳар қандай харидорнинг эътиборини тортди».

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисобларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор корхоналар, таълим муассасаларида, жумладан, автомобилсозлик, енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари, «Гранд Самарқанд суперпор» меҳмонхонаси, «Бионурмедсервис» тиббиёт маркази ва «Сам Антеп гилам» қўшма корхонасининг фаолияти билан танишдилар. Дарс ва иш жараёнида иштирок этиб, талабалар, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлдилар.

«Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежиди, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлди, — дейди Пекин университети профессори, Иқтисодий тадқиқотлар маркази раҳбари Жастин Лин. — Халқаро талабаларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу таълим масканлари таҳсил олаётган изланувчан, тиришқоқ ўқувчи-талабаларни кўриб, улар билан мулоқотда бўлиб, жуда қувондик. Билим муассасаларининг мухташам бинолари барча кулай шароитга эга экани, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани диққатга сазовордир. Ўзбекистонда олиб борилаётган бундай ислохотларнинг барчаси мамлакатингиз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз».

Меҳмонлар Самарқанднинг қадимий ва бой тарихини аке эттирувчи бебаҳо обидалар, маданий ёдгорликлар, муазам Регистон майдони, Улўбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси, Бибихоним

масжиди, Улўбек расадхонаси, шунингдек, шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

«Самарқанд ҳақиқатдан ҳам эртақмонанд шаҳар эканига амин бўлдим, — дейди Вьетнам «Nhat Minh Investment Development Telecommunication» компанияси бош директори Куят Нам Труонг. — Бу ердаги қадимий обидаларнинг меъморий ечимини, бугунга қадар асл ҳолида сақлаиб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Регистон ансамблидаги зарҳал нақшлар билан безатиладиган Тиллақори, Улўбек ва Шердор мадрасалари менга жуда ёқди. Ушбу гўзал ўлкада етишиб чиққан буюк алломалар, олимлар фузалолар жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари орасидан ўз аждоғларига муносиб авлод этишиб чиқишига ишонаман».

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳрида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида 7,2 километр узунликдаги йўл ташмирилди, 453 объектда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Шу жумладан, 42 кўп қаватли уй-жой, 163 савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш, 61 ижтимоий соҳа объектлари, 26 маъмурий бино, 162 хусусий йўл барпо этилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезида саёҳат қилган конференция иштирокчилари мамлакатимизда темир йўл соҳасини ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижаларига юксак баҳо бердилар. Замонавий, барча қулайликларга ва юксак даражадаги сервис хизмати эга «Afrosiyob» поезди меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бундай тезораз замонавий поездлар дунёнинг санокли мамлакатларидагина борлигини алоҳида таъкидладилар.

«Самарқандда қилган саёҳатимиз гоят мазмунли ва қизиқарли бўлди, — дейди Эстония Иқтисодиёт ва коммуникациялар вазирлиги департамент директори Пирет Трайберг хоним. — Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори темир йўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани ҳамини сазовордир. Самарқандда «Afrosiyob» электропоезида бориб келдик. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юқори тезликда ҳаракатланган ушбу транспорт воситасида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Поезддаги мўътадил ҳароратнинг барқарор таъминлигини барчага жуда маъқул бўлди. Юксак сервис хизмати, ходимларнинг юксак муомала маданияти бизга кўтаринки кайфият бағишлади».

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Фотиб ҲАСАНОВ, Ҳа махсус мухбирлари

Қарор ижроси назоратга олинди

Маълумки, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг 18 февраль куни бўлиб ўтган сессиясида О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ҳудудда чорвачиликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилиб, эришилаётган натижаларни мустақамлаш баробарида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ҳал этиш, муаммоларга ечим топишга қаратилган қарор қабул қилинган эди

Ўз мухбиримиз

Ҳўш, орадан 7 ой ўтиб, бу соҳада қандай ўзгаришлар юз берди?

Кези келганда, мазкур қарор ва О'zLiDePнинг Сайловди дастурига мувофиқ пойтахт вилоят партия ташкилоти томонидан «Чорвачилик ва озуқабоп уруғчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтини модернизация қилиш, мутасадди идоралар фаолияти, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳамкорлиги юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича ҳаракат дастури» ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Кунги кеча О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ташкил этган «Дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларини фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда чорвачиликнинг озуқа базасини мустақамлаш» мавзусидаги илмий-амалий семинарда яна бир бор мазкур қарор ва ҳаракат дастури ижроси кўриб чиқилди.

Семинарда таъкидланганидек, бугун мамлакатимиздаги дехқон ва томорқа хўжаликлари ихтиёрида 462400 гектар ер майдони бор. Бу қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 12,8 фоизини ташкил этади. Республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 63,7 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 62,2 фоизи айнан ана шу хўжаликлар томони-

дан тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам тадбирда дехқон ва томорқа хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини янада ошириш, мавжуд ер майдонларида озуқа экинларининг истиқболли навларидан унумли фойдаланиш масалалари юза-

билан танишдилар. Бу ерда боғдорчилик билан бирга 20 дан ортиқ бош қорамол, 35 бош қўй-эчки боқилаётгани, озуқа экин сифатида «сорго»-дан ҳам лон, ҳам чорва учун дағал ва ширали озуқа етиштирилаётгани хўжаликда уруғчи йўлга

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА 4792 071 ТА ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ БЎЛИБ, УЛАР ИХТИЁРИДА 462400 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИ БОР. БУ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЖАМИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ 12,8 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

сидан олимлар ва соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди.

— Айни пайтда бугун дунёда йилга қарий 50 миллион тонна атрофида «сорго» номли кўп ўрмилли хўҳори нави етиштирилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси Ориф Шарипов. — Аксарият мутахассислар томонидан «Ўзбекистон жўҳориси» деб аталадиган бу нав озуқа қиммати ва технологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу экиннинг аслида Марказий Осиёдан келиб чиққан ўз вақтида маҳаллий дехқонлар томонидан сермахсул навлар яратилгани, улар минераллар, углевод ва витаминларга бой бўлганини аниқлади. Энг муҳими, ушбу экиндан мавсум давомида бир неча бор ҳосил олиш мумкин.

Шу билан бирга, унинг поёсидан шакар ишлаб чиқариш ва қандолатчиликка ишлатиладиган ҳамашё олиниши семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир қатнашчилари Паркент туманидаги Собиржон Ермухамедовнинг дехқон хўжалигида бўлиб, «сорго» — кўп ўрмилли «Ўзбекистон жўҳорисини» етиштириш ҳамда дехқон хўжалиги ер майдонларидан самарали фойдаланиш тажрибаси

қўйилганидан ҳам далолат бермоқда.

Чорвачилик дехқон ва шахсий томорқа хўжаликларида ҳам жадат ривожланаётган бир пайтда чорва молларини серҳосил, тез пишар, тўғимли озуқа билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб тургани ҳам семинар мавзусининг долзарб эканини кўрсатади, албатта. Унда тилга олинган фикр-мулоҳаза ва ахборотлар маҳаллий шароитга мос аъёнлар ва истиқболли экин турларини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тажрибасини оммалаштириш зарурлигини аниқлади.

Семинар якунида чорвачиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, дехқон ва шахсий томорқа хўжаликларида сермахсул озуқа экинлари етиштириш афзалликларини партия фаоллари орқали кенг тарғиб қилиш, ҳар бир тумандаги битта фермер хўжалигида олим ва мутахассисликда ишлатиладиган ҳамашё олиниши семинар иштирокчилари ташкил этиш, дехқон хўжаликлари билан фермер хўжаликлари орасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, О'zLiDeP кўмагида телевидениеда «Шахсий томорқа» номли мунтазам эфирга узатиладиган кўрсатув очиб тақлифи билдирилди.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!»

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти бўлими томонидан Фарғона туманидаги Шохимардон қишлоғида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» ширин остида ёшлар фестивали ўтказилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, замонавий таълим ва касб-ҳунар сирларини ўрганишлари учун зарур шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кўрсатилаётган бундай кексиз гамхўрлик ва эътиборга жавобан ёшларимиз илм-фан, спорт, санъат каби соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда.

Истиқлол йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бўлган Шохимардон қишлоғида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Гишлоқ бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Янги спорт мажмуаси бунёд этилди, Икки умумтаълим мактаби тубдан қайта таъмирланди. Кўплаб хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ишга туширилди.

— Келажакимиз эгалари бўлган ёшларни турли ёт гоғлар таъсирдан асраш, уларни миллий анъана ва қадриятлар руҳида юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти бўлими раиси Шерзод Раҳимов. — Мазкур ёшлар фестивали ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади. Фестиваль доирасида маънавий-маърифий тадбирлар, акциялар, футбол, волейбол, баскетбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, Ҳа махсус мухбири

«XXI ASR» — ТОШКЕНТ


МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН!
«XXI ASR»НИНГ БУГУНГИ
СОНИДАН БОШЛАБ ХУДУДИЙ
ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ,
МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ
ДЕПУТАТЛАР ВА УЛАРИНИНГ
ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ
КЕНГРОҚ ЁРИТИШ МАҚСАДИДА
«ХУДУДИЙ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИДА» РУКНИ
ОСТИДА МАХСУС САҲИФА ЧОП
ЭТИЛА БОШЛАНДИ. УНДА
АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРИНИНГ
ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИГА
ДОИР ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ,
ХУДУДИЙ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ РОЛИ
СИНГАРИ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРНИ ЧУҚУРРОҚ
ТАҲЛИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ
ГАЗЕТХОНЛАРГА КЕНГРОҚ
МАЪЛУМОТ БЕРМОҚЧИМИЗ.
МАХСУС ИЛОВАНИНГ 1-СОНИ
O'ZLiDeP ТОШКЕНТ ШАҲАР
КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИГА
БАГИШЛАНМОҚДА.

«Худудий партия ташкилотларига»


2012 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрининг ялпи худудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 57,1 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 60,5 фоизни ташкил этди. Бандлик дастури доирасида 41 мингга яқин янги иш ўрни яратилиб, унинг 78,4 фоизи кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди.

Бугун пойтахтда Давлат дастурлари ва йирик лойиҳалар асосида корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 20 дан ортик йўналишда 758 та лойиҳа амалга оширилиб, биринчи яримйилликда ташки савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 139 фоизга, экспорт ҳажми эса 2011 йилнинг тегишли даврига қараганда 68 фоизга ошди.

O'zLiDeP ташаббуси билан пойтахтлик тадбиркорлар фаолиятига ҳалал бераётган муаммоларни ўрганиш жараёнида 20 мингдан зиёд тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Бу ишларни амалга оширишда партия ташкилотлари, БПТ аъзолари, электорат вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари фаол иштирок этмоқдалар.



Қонун ижросини таъминлаш — бош масала



Тошкент шаҳар кенгаши раиси Эркин Тошев. — Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Олмазор ва Чилонзор туманларидаги ижросини ўрганиш учун 17 кишидан иборат махсус ишчи гуруҳи тuzили.

— 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига Чилонзор туманида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони 4727 ташкил этди, — дейди O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси М.Абдуллаев. — 1227 та кичик бизнес субъекти саноат соҳасида, 1048 таси савдо ва умумий овқатланишда, 670 таси қурилиш ва транспорт соҳасида фаолият олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳисобига туманда 2009 йилдан 2012 йилгача 16567 та янги иш ўрни яратилган. 2010 ва 2011 йилларда эса 1683 та янги кичик бизнес корхоналари ташкил этилган.

Айни пайтда эришилган ютуқлар баробарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Хусусан, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш, саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларига тўғри келиши маълум бўлди. Жумладан, 2010 йилда 394 та, 2011 йилда эса 463 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Чилонзор туманида 2011 йил давомида 52 мартаба очик эшиклар кўни ўтказилди.

2012 йилнинг биринчи ярмида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи сайловчилар билан жами 98 та учрашув ўтказган. Уларда 8167 нафар сайловчи иштирок этиб, депутатлар томонидан фуқаролардан келиб тушган 149 та мурожаатнинг 134 таси ижобий ҳал этилган.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25 ЯНВАРИДАН 25 МАРТИГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛГАН ҲАМДА 3847 НАФАР БПТ РАИСИ ПАРТИЯ АЪЗОСИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ги қонунларнинг жойлардаги ижроси, маҳаллий ҳокимликларнинг мутасадди раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш ҳамда муайян масалалар бўйича депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланишга қаратилди, — дейди O'zLiDeP

Хулоса қилиб айтганда, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш борасида амалий ишларни кучайтирмоқда. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларига доир вазифалар ижроси юзасидан ижро ҳокимияти идораларининг мансabdор шахслари ҳисоботини эшитиш, улар яқини бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, сессиялар кун тартибига масалалар олиб чиқиш, уларнинг муҳокамасини ўтказиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқишда депутатлик гуруҳларига кўмаклашиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича партиявий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун яқиндан ёрдам кўрсатилаётган.

2012 йилнинг биринчи ярмида O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан партия дастури, мақсад ва вазифаларини тартиб қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириш бўйича 350 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номи асарини ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва бугунги кундаги аҳамиятини кенг тушуниришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» номи маърузаси ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифаларни аҳоли кенг қатламларига тушунириш бўйича ҳам туркум тадбирлар ташкил этилди.

Жорий йилнинг 25 январидан 25 мартга қадар барча туманларда ўтказилган ана шундай ўқув-семинарларда 908 нафар БПТ раиси ҳамда 3847 нафар партия аъзоси иштирок этди.

Кези келганда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида O'zLiDePдан сайланган 26 нафар депутат фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 4 нафарини аёллар ташкил этаётганини таъкидлаш мумкин.

— Ўтган даврда депутатлик гуруҳининг асосий эътибори амалда-

КУЧЛИ ҚУЙН БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

Тошкентда O'zLiDePнинг 938 та бошланғич ташкилоти 25 минг 500 нафар аъзони ўз атрофида

бирлаштирган ҳолда иш олиб бораётти. Жорий йилнинг биринчи ярмида шаҳар кенгаши томонидан БПТларнинг партия дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ўрни ва роли, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга таъсирини янада кучайтириш мақсадида барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди. Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб эса «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятни такомиллаштириш» акцияси ҳамда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2012 йил 19 январдаги қароридан белгиланган тадбирларга мувофиқ БПТ раислари ва аъзолари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти таҳлил қилинганида, жамиятда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётгани маълум бўлди, дейиш мумкин. Бунга янги сайланган БПТ раисларидан 177 нафарини ёки 18,9 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётгани ҳам мисол бўлиши мумкин. Шаҳардаги 476 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 233 нафари ёки 48,9 фоизи O'zLiDeP аъзолари экани эса маҳаллаларда партиянинг нуфузи ва мавқеи мустаҳкамланаётганидан далolat беради.

НАТИЖАЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС



Тўрабек НАЗАРОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси раиси:

— Айни пайтда депутатларимиз томонидан янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурлари сўзсиз бажарилиши борасида туман ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси O'zLiDeP электорати манфаатларига бевосита тааллуқли бўлгани учун ҳам айни масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, комиссия аъзолари ўз округларидаги сайловчилар билан учрашувларда ислохотлар моҳиятини тушунириш бўйича ҳам кенг кўламли иш олиб бордилар. Сайловчилар билан 150 дан ортик учрашувлар ўтказилган, 220 нафардан зиёд фуқаро мурожаати юзасидан тегишли ташкилотларга 152 та депутатлик сўрови юборилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Юқоридаги ижобий ишлар билан бирга муҳокама этилаётган масалаларнинг асл сабабларини аниқлаш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича аниқ ва асосланган тақлифлар киритиш, қабул қилинган қарорлар юзасидан мониторинг олиб бориш масаласида сифат кўрсаткичларини янада яхшилашимиз лозимлигини ҳис эътапланди. Асосий вазифаларимиздан яна бири бу — сайлов округларидаги ишларимизни янада жонлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини аҳолига кенгроқ тушуниришдан иборатдир.

ДИҚҚАТ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, ДТ «Халқ банки», ТИФ Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банки» ОАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ, «Алоқабанк» ОАТБ, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасини амалга оширмоқда.


ҲУРМАТЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!

«Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси Сиз учун хунармандчилик, касаначилик ва бошқа йўналишлар бўйича оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ўз бизнесингизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятдир. Зеро, оилавий тадбиркорлик оила фаровонлиги ва аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Лойиҳада фаол иштирок этган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари ҳамкор тижорат банклари томонидан имтиёзли асосда молиялаштирилади.


Батафсил маълумот олиш учун O'zLiDeP ва унинг худудий ташкилотларига мурожаат этинг!

Маълумот учун телефонлар:
 8 (371) 255-66-03, 255-62-25
 веб-сайт www.uzlidep.uz, www.sarmoya.uz

Келгуси сонда O'zLiDeP Андижон вилоят партия ташкилоти фаолияти билан танишасиз.



О'ZLIDEP ЧИЛОНЗОР ТУМАН КЕНГАШИДА ЎТКАЗИЛГАН
«Оилавий тадбиркорлик — мустақкам оила асоси» мавзусидаги очик мулоқотда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти атрафлича ўрганилди.



О'ZLIDEP ҚАМАШИ ТУМАН КЕНГАШИДА
«Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда БПТларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда қуйи бўғин ва депутатлик гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш масаласи кўриб чиқилди.



БОЙСУН ТУМАНИДАГИ
Ободонлаштириш бошқармаси қошида 22 нафар О'zLiDeP аъзоси иштирокида БПТ ташкил этилди. Унга қорхона иш юритувчиси Шахло Маматалиева етакчи этиб сайланди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

37 (461)-сон

e-mail: axborotXitlar@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

13

сентябрь,
пайшанба

Қуйи бўғинлар фаолияти жонлантирилмоқда. Бироқ...

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия кучли ва ҳар жиҳатдан етук кадрлари билангина ўз ғоя ва мақсадларини амалга ошира олади

Абулфайз САИИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Улар билимини ошириш эса худудий партия ташкилотлари, айниқса, сиёсий таълим тизими мутасаддилари зиммасига алоҳида мусъулият юклайди. Айни кунда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан бошланғич ташкилотлар фаолигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг босиси ҳам шунда. Хусусан, Сиёсий таълим марказлари томонидан изчил ўтказилаётган ўқув-машгулотлар ҳам БПТ етакчилари билимини ошириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилаяпти.

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Сиёсий таълим маркази» томонидан ўтказилган «О'zLiDePнинг партия қурилиши соҳасидаги навбатдаги долзарб вазифалари» мавзусидаги ўқув-семинар ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Унда вилоят кенгашининг Мафқуравий таълим бўлими бошлиғи Комилжон Султонов «Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби истиқлолга эришиш тарихини ўрганиш ва О'zLiDePнинг устувор вазифаларини белги-



лашда муҳим манба» мавзусида маъруза қилди. Кенгаш раиси ўринбосари А.Нусуров эса О'zLiDeP тузилмалари, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларидаги бошқарув лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш борасидаги долзарб вазифаларга тўхталди.

Семинарда аҳоли орасида обрў-эътиборга эга партия аъзоларини турли босқичдаги партия ташкилотларида ишлаш учун танлаб олиш, кадрлар салоҳиятидан тўғри фойдала-

нишнинг самарали тизimini яратиш, номзодларни партиявий мезонлар асосида юқори партиявий лавозимларга тайёрлаш устувор вазифалардан бири экани таъкидланди.

— Бугун белгиланган йўналишлар бўйича партия истиқболли кадрлар захирасини яратиш қанчалик долзарб эканини англаш учун атрофимизда юз бераётган сиёсий жараёнларни таҳлил этишнинг ўзи кифоя, — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш

бўлими раҳбари Бегмат Очилов. — Шунинг учун ҳам кадрлар танлашда уларнинг давлат ва жамият қурилиши назарияси, миллий манфаатларимиз мазмун-моҳияти билан қанчалик хабардор эканликлари муҳимдир.

Бунда, энг аввало, ташкилий-партиявий ишларни, партия аъзолари ва тарафдорларини мафқуравий ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Сайловлардан кейинги кураш босқичида ташкилий жиҳатдан пишиқ-

пухта, кучли мафқуравий асос ҳамда ижтимоий ҳаётда устувор сиёсий мавқега эга партия ғолиб чиқиши аниқ. Шундай экан, сайловчилар ишончини қозониш учун улар эътиборини аниқ мақсадларга йўналтириш ва дастурий вазифаларнинг ижросига қаратиш лозимлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

«О'zLiDePнинг партия қурилиши соҳасидаги навбатдаги долзарб вазифалари» мавзусидаги ўқув-семинарлари ҳам ана шу масалаларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилиши аниқ.

Нега БПТ аъзолари депутатларни ҳамкорликка чорлашаяпти?

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши қарори асосида «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида ўтказилаётган ўқув-семинарларда қуйи бўғинларнинг худудларни ривожлантиришдаги ўрнини янада мустақкамлаш, партия ғоя ва мақсадларини амалиётга татбиқ этишда улар фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда

Ўз мухбиримиз

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ташкил этилган семинар доирасида ҳам «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг партия дастурий вазифаларини амалга оширишдаги назорат ишларининг аҳамияти, партия худудий кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги» масалалари юзасидан тренинг ўтказилди. Унда муҳокама этилган мавзулар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфал усулда мунозаралар олиб борилди. Ушбу амалий машгулотлар якунида билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида бошланғич партия ташкилотининг намунавий иш режаси ҳам ишлаб чиқилди. Тадбирда ҳар бир гуруҳ ўзи ишлаб чиққан режа тақдиротини ўтказди.

Шу ўринда вилоятдаги 693 та БПТнинг 40 дан зиёди Тўрақўрғон туманида иш олиб бораётгани, улар ўз атрофида 801 нафар О'zLiDeP аъзосини бирлаштирганини таъкидлаш мумкин.

— Машгулотлар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар аниқ пайтдаги долзарб масалалар билан бевоисита боғлиқ, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши аппарат раҳбари Носир Абдуллаев. — Хусусан, семинарда сафимизга кўпроқ ёшларни жалб этиш, бўлажак сайловларда депутатлик учун ҳар томонлама етук номзодларни кўрсатиш бўйича эътиборга молик фикрлар билдирилди.

— Бугунги семинар-тренинг биз учун жуда фойдали бўлди, — дейди

туман «Сувоқава» қорхонаси қошидаги БПТ раҳбари Муяссархон Икромов. — Чунки фаолиятимизни такомиллаштиришда бошланғич ташкилотлардаги фаоллик ва ташаббускорлик билан бирга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларга эга бўлиш талаб этилмоқда. Аммо тадбир қатнашчилари томонидан айрим маҳаллий кенгаш депутатларининг пассив фаолияти, партиядан узоқлашиб қолгани тилга олиндики, бундан энг аввало вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари жиддий ҳулоса чиқаришлари лозим, деб ўйлайман. Тўғри, бошланғич ташкилотимиз бор-йўғи март ойида тузилган. Биз каби нисбатан ёш ва етарли сиёсий тажрибага эга бўлмаганлар учун эса депутатлар қўмағи, қўллаб-қувватлаш аниқсиз муҳим. Ўз ўрнида, бугунгидек тадбирлар биз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаётти, дейиш мумкин.

Чиндан ҳам, Тўрақўрғон туманида ташкил этилган тадбир қатнашчилари жойлардаги энг долзарб муаммо — партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаган сайловчи ишончи, депутатлик мақомини қўлга киритиш, партиявий ишдан батамом узоқлашиб қолган депутатлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланғич ташкилот партиянинг таянчи, асоси, дея баландпарвоз гаплар айтмайми, айрим ҳолларда ана шу «асос» ташкилот фаолиятининг хабар бўлишини ўзинишга эл қўрмаймиз. Бу жараёнда эса асосий маъсулият маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасида эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Тўрақўрғондаги семинар якунида ана шундай ҳулосага келинди.

Атроф-муҳит мусаффолиги учун биз ҳам масъулмиз

Бухоро шаҳридаги «Махсус авто хўжалик» масъулияти чекланган жамиятидаги О'zLiDeP аъзолари ана шу шiorга амал қилишмоқда

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда Бухоро шаҳрида 1120 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 46 та бошланғич ташкилотга уюшган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. — Партияимиз дастури ва Сайловлид платформасида ҳам мазкур йўналишдаги қатъий позиция ва вазифалар аниқ белгилаб берилган, — дейди БПТ раиси Мухиддин Рашидов. — Шу боис сафдошларимиз — Олим Ботиров, Сафия Барақатова, Мўйдин Бобоқонов, Дилором Тўраева, Мўмина Ҳалимова, Зулайхо Жураева, Феруза Файзиёва, Рамзон Бозоров, Дилфуза Гуломова, Маҳмуд Ҳамроев, Наиля Еникеева, Фахриддин Рашидов, Насриддин Рашидов, Лутфулла Саломов сингарилар ўз вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётдилар. Таъкидлаш керак, «Махсус авто хўжалик»да

бугун 60 дан ортиқ киши меҳнат қилади. 16 нафар О'zLiDeP аъзоси бўлган жамоада ишлаб чиқариш натижалари салмоқли экани ҳам алоҳида қайд этилмоқда.

2008 йилдан масъулияти чекланган жамият шаклида иш юритаётган ушбу қорхона лизинг асосида 13 та махсус техника воситаларини харид қилиб, чиқиндиларни шаҳар ташқирисидидаги марказий чиқиндиҳонага чиқариб ташлаш ҳамда утилизация қилиш ишларини изчил йўлга қўйди. 270 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган Бухоро шаҳрида салкам 1000 та қорхона ва ташкилот борлигини ҳисобга олсак, автохўжалик зиммасидидаги масъулиятни, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш ва тозаликни таъминлашдаги улushi беқиёс эканини ҳис этамиз.

Эътироф этиш жоиз, кейинги йилларда Бухоро таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳарнинг Мустақиллик, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Афросиёб, Пири Дастир

сингари кўчаларида ҳам «Махсус авто хўжалик» МЧЖ меҳнат жамоасининг меҳнати самарасини кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 21 йиллик санаси муносабати билан жойларда ўтказилаётган турли тадбирларда ушбу қорхона хузурида иш юритаётган М.Рашидов бошчилигидаги БПТ фаоллари ҳам истиқлол йилларида қўлга кiritилган ютуқларни қайд этиб, партиявий-ташкилий ишларда қутлуган натижаларга эришиш, партия аъзолари сафини кенгайтириш учун барча

имкониятлардан фойдаланишмоқда. Шу тариқа бу ерда партия тарафдорлари сони тобора ортиб бормоқда. О'zLiDeP вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари иштирокида ўтказилаётган йилги ишларда ҳам долзарб масалалар муҳокама этиляпти. Жумладан, яқинда бу ерда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланган Президент фармонлари юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир доирасида, шунингдек, партиянинг янги аъзоларига гувоҳномалар

топирилди.

Бир сўз билан айтганда, маслақдошларни ғоявий жиҳатдан чиқиндириш, мустақкам эътиқодли, маънавий дунёси бой, жамият манфаатини ўз манфаатидан устувор қўя оладиган кишилар ҳисобида О'zLiDeP сафларини янада кенгайтириш — БПТ етакчиси ва илошларининг асосий мақсадига айланган. Агар улар фаолиятидаги суръат ва ташаббускорлик қўлдан берилмаса, мазкур БПТ вилоятдаги энг намунавий қуйи бўғинга айланишига ишончимиз комил.

О'ZLIDEP «ЁШЛАР ҚАНОТИ» «ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган партиявий вазифаларини амалга ошириш, ёшларни мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига кенг жалб қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини уларга етказиш ва қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ёшлар ролини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари йилги ишларига ёшлар билан боғлиқ масалаларни олиб чиқиш, партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш, уларни ўқитиш, раҳбар лавозимларга тайёрлаш ҳамда истиқболли ёш кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида «Агар мен депутат бўлсам» республика кўрик-танловини эълон қилади.

АЗИС ЁШЛАР!

О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» эл-юрт равақи, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, ўз тақдирини мамлакат тақдирини билан уйғунлашда кўраётган ёшларни «Агар мен депутат бўлсам» кўрик-танловига иштирок этишга чорлайди.

Маълумот учун телефонлар:
8 (371) 255-48-17, 255-08-21, веб-сайт www.uzlidedep.uz

«Агар мен депутат бўлсам» республика кўрик-танлови 2012 йилда 2 босқичда амалга оширилади. 20 августдан — 15 сентябргача худудий ҳамда ноябрь ойида республика босқичлари ўтказилади.

Мамлакатимизнинг барча худудларида

2013 ЙИЛ УЧУН

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА

бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



Асосий эътибор — қишлоқ мулкдорларига

Маълумки, ҳар қандай давлатда иқтисодий барқарорликнинг бош омили фуқароларнинг банк ва молия муассасаларига бўлган ишончи билан ўлчанади




Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Шу боис ҳам юртимизда мажбурий тизимни изчил тақомиллаштириш, банк хизмати ва қафолатларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

ОАТБ «Агробанк»нинг Бухоро вилоят филиали ҳам юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугун банк миқозлари сафида кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар салмоқли ўрнини эгаллаётди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 19 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилиб, 1810 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, «Агробанк» вилоят бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли улар имконияти тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, «Алихон Транс Сервис» масъулияти чекланган жамиятига банк томонидан 1 млрд. 100 млн. сўм кредит ажратилган, Самарқандда ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли 15 та автобус сотиб олинди. Натيجада корхонада 30 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Маълумки, ички истеъмол бозори барқарорлигини таъминлаш, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган илҳам корхоналар барпо этиш, шу ҳисобдан ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришда тижорат банклари кредитларининг ўрни беқийсдир. Бугун мамлакатимизнинг энг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири Бухорода ҳам «Агробанк» кредитлари эвазига сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар сони ортиб



ИЧКИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ИЛҲАМ КОРХОНАЛАР БАРПО ЭТИШ, ШУ ҲИСОБДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЙСДИР.

бораётди. «Бухоро Гилам» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасига ҳам гилам тўқиш ва ип калава ишлаб чиқариш ускуналарига ҳамда хом ашё харид қилиш учун 7 млрд. 50 млн. сўм кредит ажратилгани ҳисобига 46 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда корхонанинг сифатли ва чиройли гиламларига талаб охиб бормоқда.

Банк миқозлари орасида фермерлар кўпчилигини ташкил қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ернинг ҳадисини олган тажрибали қишлоқ мулкдорлари ҳам банк хизматларидан миннатдор, десак муболага қилмаган бўлмади. Буни «Файзулло Рухсат боғлари» фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган

музлаткич қуриш мақсадида 300 млн. сўм банк кредити берилгани ҳам қўриш мумкин.

Вилоятдаги иқтисодий ноҳор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг оёққа туришида ҳам «Агробанк» ресурсларидан унумли фойдаланилаётди. Хусусан, банк томонидан 19 та ана шундай корхонага инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 12 млрд. 474 млн. сўм кредитлар ажратилиб, уларда янги иш ўринлари яратиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси замон талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат сифати ва маданиятини оширишга интилоқда. Бу эса миқозлар сифатини кенгайтириш ва банкнинг юртимиз иқтисодий тараққиётидаги ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилаётди.

ТАДБИРКОРНИНГ ЁШЛАРГА СОВҒАСИ

Марҳамат туманидаги Деҳқонобод маҳалласида тадбиркор Қобилжон Обидов саъй-ҳаракати билан ёшлар учун янги мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» спорт мажмуаси деб номланган мажмуа объект юртимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги ва Ўзбек футболнинг 100 йиллик тўйига ўзига хос совға, десак муболага бўлмайдими. Андижон вилояти ҳокимлиги расмий сайтида хабар қилинишича, тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг кредити ҳисобига барпо этилган мажмуа таркибидан 2 та мини-футбол майдони, кўнгличор дам олиш маскани, салқин ичимликлар ва музқаймоқ дўконлари ўрин олган. Аҳамиятлиси, спорт комплекси фойдаланишга топширилганидан сўнг бу ерда 12 та янги иш ўрни яратилди. Маълумотларга кўра, янги объектнинг очилиши муносабати билан шу куни маҳалла аҳлига байрам дастурхони ёзилиб, кам таъминланган оила аъзоларидан 13 нафарининг хатна тўйи ҳам ўтказилди.



РЕГИСТОН ВАҚТИНЧА ТЕХАСГА КЎЧИРИЛАДИ

АҚШнинг Стаффорд (Техас штати) шаҳрида ўтказиладиган Ипак йўли фестивалида Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларнинг макетлари намойиш этилаётган бўлди.

12.uz сайтида хабар қилинишича, АҚШнинг «The Turquoise Council of Americans and Eurasians» ташкилоти томонидан ташкил этилаётган мажмуа тадбирда Ўзбекистондан ташқари Азербайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон иштирок этади. Аҳамиятлиси, 4-7 октябрь кунлари бўлиб ўтаётган фестивалда намойиш этилаётган меъморчилик объектлари асл ҳолдаги катталиқда барпо этилади.

Маълумотларга кўра, америкаликлар юртимиз учун ажратилган павильонда ўзбек миллий қўшиқлари-ю рақсларидан баҳраманд бўлиб, миллий таомларимиздан тановул қилишдан ташқари Самарқанддаги Регистон мажмуаси ва Бухородаги Мир Араб мадрасаси макетларини томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги долзарб вазифалардан биридир

Шу боисдан мамлакатимизда мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилиб, бу борадаги қонуналар ижросини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ҳам тадбиркорлар фаолиятида кузатилаётган ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, соҳадаги турли тўсиқ ва суиистеъмолчиликларга барҳам бериш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар, бошқарув ва назорат-текширув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳар ўн кунда ўрганиб чиқилиб, ноқонуний, деб топилганлари прокурор назорати остида бекор қилинаётгани ёки қонунга мувофиқлаштирилмаётгани.

Ҳозиргача маҳаллий ҳокимликларнинг 29 та, назорат-текширув идораларининг 14 та ноқонуний ҳужжатларига нисбатан протест келтирилди. Масалан, Фарғона шаҳар ҳокимининг 2012 йил 20 январдаги қарори билан яқка тартибдаги тадбиркор М.Муйдиновга тегишли устакхона асосиз равишда бузиш белгиланган. Ушбу ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди.

Назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ойма-ой ўрганиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида молиявий санкция қўллаш ҳақидаги 14 та ноқонуний қарорга нисбатан протест келтирилди.

Жумладан, Ўзбекистон тумани давлат солиқ инспекциясининг 2012 йил 20 февралдаги қарори билан «Яйпан Моҳина Юлдуз» хусусий корхонасига нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси талабига зид равишда 17 миң 300 сўм ўрнига 173 миң сўм молиявий жарима қўлланилган.

Бошқа бир мисол. Қўқон шаҳар ДСИ томонидан ўтказилган текшириш якунига кўра, «Транс терминал водий» хусусий корхонасига нисбатан асосиз равишда 427 миң сўм миқдорда пеня ҳисобланган. Юқоридаги ҳар икки ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муносабатидаги фаолиятига асосиз аралашувларнинг ол-

дини олиш юзасидан қатъий чоралар кўрилмоқда. Шу боис ўтган давр мобайнида соҳада қонунбузилиш ҳолатлари кузатилмади. Туман, шаҳар прокурорлари томонидан ҳокимликлар ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатта олиш инспекциялари ҳамда бошқа тегишли назорат идораларида ҳам мунтазам текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди.

Шуни айтиш керакки, ҳуқуқбузилиш ҳолатларини тезкор аниқлаш учун жойларда «Ишонч телефонлари» ўрнаштирилган бўлиб, уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратурасининг «Ишонч телефонлари»га жами 74 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ҳамда мавжуд муаммолар юзасидан талабгорларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилди. Мисол учун, Ўзбекистон туманидаги «Абдумалик Маматқулов боғи» фермер хўжалиги раҳбари А.Маматқуловнинг кредит масаласидаги мурожаати кўриб чиқилиб, унга ОАТБ «Агробанк» Яйпан филиалидан хўжаликни ривожлантириш учун 10 млн. сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Худди шунингдек, дангаралик яқка тартибдаги тадбиркор П.Мамажонова туман прокуратураси аралашуви билан «Халқ банк» туман филиали томонидан 20 млн. сўм кредит сармоясини берилди.

«Тоҳирхон Маъруфжон ери» фермер хўжалиги раҳбари М.Назиров Қўшғета туман прокуратураси «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилиб, хўжалик ҳисоб рақамидagi 30,5 млн. сўм маблағ унинг розилигисиз «Микрокредит-банк»нинг Фарғона филиали томонидан бошқа хўжаликларга ўтказиб юборилганини билдирилган эди. Ушбу ноқонуний ҳолат юзасидан филиал мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган яри мобайнида вилоят прокуратураси томонидан жами 69 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди. Шундан 38 нафарига давлат рўйхатидан ўтиш, 2 нафарига ижара бироаси ажратиш, 12 нафарига 146 млн. сўм миқдорда кредит олиш, 17 нафарига бошқа масалаларда амалий кўмак берилган. Натияжада 52 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда жойларда ўтказиладиган юзма-юз мулоқот ва учрашувлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг яри мобайнида жойларда 116 та ана шундай учрашув ташкил қилиниб, уларда 6,5 миңга яқин тадбиркорлар иштирок этишди. Натияжада 8 нафар тадбиркорга 81 млн. сўм миқдорда кредит ажратиш, 245 нафарига рухсатнома олиш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди, 1300 га яқин тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.


Жорий йилнинг яри давомида вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш якунларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бар-тароф этиш юзасидан 16 та тақдимнома киритилган, ноқонуний қарорларга нисбатан 43 та протест келтирилган, 16 нафар мансабдор шахслар ингизомий жавобгарликка тортилган, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
матбуот хизмати.**

Тадбиркорлик

Янги корхоналар кўпаймоқда

Мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари алоҳида ўрин тутати. Зеро, эркин меҳнат фаолияти бозор иқтисодиётининг асосидир



Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят
ДСБ ахборот хизмати бошлиғи

Айниқса, хусусий мулкликни ривожлантириш юзасидан турли ҳуқуқий-метёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ҳаётга изчил билан татбиқ этилаётганлиги кутилган самараларни бермоқда.

Сурхон воҳасининг Узун туманида ҳам иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Жумладан, яқинда тадбиркор Зулайхо Бекова саъй-ҳаракати билан «Кавсар мадал» корхонаси ташкил этилиб, бу ерда харидорлар қурилиш маҳсу-

лоти — шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Банкдан олинган 300 млн. сўмлик кредит эвазига Хитойдан зарур ускуналар келтирилган эди. Натияжада бир кеча-кундузда 800 дона сифатли шифер тайёрлаш йўлга қўйилди. Муҳими, 41 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Ўз маҳсулотларимизни сотиш учун маҳсул дўкон фаолиятини йўлга қўйганмиз, — дейди корхона раҳбари Зулайхо Бекова. — Ҳозирча ишларимиз яхши кетаяпти. Хусусан, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда саноят соҳасига ихтисослашган микрофирмалар ва

кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 6 фойздан 5 фойзга камайтирилганлиги айни муддао бўлди. Шу ҳисобдан биз биринчи ярим йиллик давомида 3,6 млн. сўм маблағни тежаб қолишга эришдик.


Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дейлик, сариосиёлик тадбиркор Баҳодир Жабборов раҳбарлигидаги «Аббосбек Абд» хусусий корхонасига 100 млн. сўмлик кредит ҳисобига қан-

долат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар савдо тармоқларига пешмапеш етказиб берилмоқда. Энг муҳими, 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бу каби янги корхоналарнинг барпо этилиши, биринчидан, воҳада бандлик даражасини оширишга хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishда муҳим аҳамият касб этаётди.

Реклама

**Хусусий тадбиркор
РУСТАМ ЯКУБОВ
томонидан миллий
хунармандчилигимиз
анъаналари асосида
тайёрланаётган
сифатли ва
бежирим
чинни буюмлари
ҳар қандай
харидор диди
ва талабини
қондириши мумкин.**



Манзил: Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 24-б. Мурожаат учун тел: (+99890) 808-10-93, (+99890) 900-03-91.



Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Етакчи хорижий экспертларнинг таъкидлашича, халқаро ишбилармон жамоатчиликнинг ушбу воқеага эътибори ортиб бораётгани бежиз эмас. Негаки, пахта бозорини янада ривожлантириш истиқболлари, пахта саноати ва унинг турдош тармоқларининг эртанги кунни айнан шундай форумлар натижаларига боғлиқдир.

Бунинг устига, ушбу йилнинг энг қулай вақти, яъни навбатдаги пахта ҳосилининг йигим-терим даври авжига чиққан ва пахта бозорини олди-соти савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу талбир пахта етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчи корхоналар учун ҳам манфаатлидир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда пахта саноатини улкан ислохотлар амалга оширилди. Бугун республикамизда пахта халқаро талабларга мувофиқ етиштириш ва қайта ишлаш бўйича замонавий комплекс ташкил қилинди. Пахта ҳосилини етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозорини таъминлашга қаратилган ҳомашэ рақобатбардорлигини ошириш учун талаб сифатини янада яхшилаш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек пахта толасини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш, жаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш самарадорлигини ошириш ва мақбуллаштириш, пахта етиштирувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилганга қўмақлаштириш давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий вазифалар сирасига кириди. Аввалги ярмаркаларда иштирокчилар бундай шаклдаги ҳамкорлик юқори натижалар бериши ва пахта толаси билан савдо қилишнинг бозор механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилди.

Ортбошимизнинг пахта далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича ташаббуси мустаҳкам асосга эга. Чунки, мамлакатимизда макро-иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, ички ялпи маҳсулотнинг ҳар йили 8 фоиздан ошаётгани эса дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Хорижий экспертларнинг умумий фикрига кўра, жаҳонда тараққийнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ислохотлар модели мамлакатимиз эришаётган ютуқларнинг асосини ташкил этади. Ушбу модель асосида миллий иқтисодимизни изчил модернизация ва диверсификация қилинмоқда, ички ҳамда ташқи иқтисодий сиёсат самарали амалга оширилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимиз сўнгги йилларда халқаро пахта бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон бугун дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради.

Энг юқсак стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахта-сига бўлган талаб муттасил ошиб бораётган. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг мамлакатимиздаги шериклари билан мавжуд амалий муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва янгиликларини йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган иштирокчилар сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда бўлиб ўтган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан қарийб 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Шуниси эътиборлики, пахта етказиб бериш географияси дунёнинг янги-янги минтақалари ҳисобидан тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши ортмоқда.

Халқаро пахта ассоциацияси президенти Р.Батлернинг қайд этишича, жаҳон пахта бозорини талаб ва таклифининг кўп йиллик таҳлили Ўзбекистон ушбу бозорнинг энг йирик иштирокчиларидан бири эканидан далолат беради. Мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти мунтазам ортиб бораётган. Изчил ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек толаси истеъмолчиларининг кенг қўламини эҳтижини қондиришга қаратилган. Ўзбекистонда талаб ишлаб чиқариш билан бирга тўқимачилик саноати ҳам самарали ривожланмоқда. Бу юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда тўғри ва пухта ўйланган ёндашув бўлиб, миллий иқтисодиёт самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Жаҳон амалиёти шунини кўрсатадики, четдан олиб келинадиган эмас, балки маҳаллий ҳомашэга асосланган тўқимачилик саноати бизнесининг энг фойдали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис хорижий ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада қарийб 150 қўшма корхона фаолият кўрсатади.

Етинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунлари бўйича 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларида зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йил ярмаркага дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан хорижий иштирокчилар таъриф буюради. АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея Республикаси, МДХ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Африка мамлакатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадбирларда Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси, «Cotton Outlook» агентлиги ҳам қатнашади.

Уларга жорий ва келгуси йиллар ҳосилидан тайёрланган ўзбек пахта-сигини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Шу билан бирга, биржа ва ярмарка савдолари, етказиб бериш борасида узоқ муддатли ҳамкорлик, товарнинг си-

фатли кўрсаткичлари билан танишиш, икки томонлама музокаралар, ишлаб чиқариш, савдо ҳамда логистика соҳасидаги янгиликлар каби турли ҳамкорлик шакллари таклиф этилади. Форум доирасида халқаро конференция, давра суҳбатлари, бўлажак катдан қарийб 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Шуниси эътиборлики, пахта етказиб бериш географияси дунёнинг янги-янги минтақалари ҳисобидан тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши ортмоқда.

Ярмарка давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг юзлаб намунаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахнини янги-янги минтақалари ҳисобидан тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши ортмоқда.

Ярмарка қатнашчилари товарни хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича такомиллашган инфратузилмани ўз қўзғали билан кўришлари мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 22 иқтисослаштирилган пахта терминалларида бир пайтнинг ўзида 400 минг тоннадан зиёд пахта толасини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шаклланиши транспорт йўналишлари бўйича маҳсулотни дунёнинг энг чекка жойларига ҳам қисқа муддатда етказиш имконини беради.

Ўзбекистонда талаб ишлаб чиқариш билан бир қаторда тўқимачилик саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Халқаро форумнинг ушбу иккинчи қисми мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий ҳомашэни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш,



ларни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам махсус ташкил қилинадиган кўргазмада кенг тақдим этилади. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини намойиш этишни режалаштирмоқда. Тақдимот давомида соҳада берилган имтиёз ва преференциялар, яратилган қулай инвестицион муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади.

Бу борада «Uztex» компаниялари гуруҳининг самарали фаолияти намуна ҳисобланади. Унинг таркибига тарақли ва кардли дастгоҳларда йиғирилган ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Uztex Tashkent», юқори сифатли тўқимачилик пологотини ишлаб чиқарадиган «Uztex Chirchik», тайёр тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарадиган «Eurotex Tashkent» қўшма корхоналари кириди. Бундай бир-


лашма уларга юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш имконини бermoқда. Уларнинг қатта қисми хорижага етказиб берилмоқда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 40 дан ортиқ давлатга экспорт қилинаётган. «Ўзбек-

кенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳузурида замонавий либослар моделларини яратиш учун дизайн-марказ ташкил этилган бўлиб, ўтган йилги ярмаркада дизайнерларимиз томонидан ўзимизнинг матолардан тайёрланган ранг-баранг ва узига хос либослар намуналарини кенг намойиш этганди.

Аввалги барча пахта ва тўқимачилик ярмаркалари Ўзбекистон пахта-сигини маҳсулотлари жаҳон бозорини юқори баҳоланиши ҳамда улар кўпгина давлатларда харидорлар эканини кўрсатди. Энди эса эришилган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш ва изчиллик билан ривожлантириш зарур.


Воқеалар, далиллар, шарҳлар

PHILIPS ЯНА 2200 НАФАРДАН ВОЗ КЕЧДИ



Голландиянинг машҳур Philips компанияси ишчилар сонини 2200 нафарга қисқартирди. Компания вакиллари таъкидлашича, бу айни пайтда 300 млн. евро ни тежаш имконини яратади. Қайд этиш керак: ўтган йилнинг ноябрь ойида ҳам компания 4500 нафар ишчини бўшатган эди. Компания раҳбари Франс ван Хаутеннинг таъкидлашича, жорий йилда компания 416 млн. евро миқдорда фойда кўришни режалаштирмоқда. Бу эса Philips ўз фаолиятини барқарорлаштириш ва ишчилар сонини қисқарттиришга ортиқ йўл қўймайди, деганидир. Эслатиб ўтамай, айни пайтда компаниянинг дунё бўйича 122 мингга яқин ишчи-хизматчиси бор.

АЁЛЛАР ТАЛАБИ БИЛАН ТИЛИНГИЗНИ ТИЙИБ ЮРАСИЗ



Бельгияда қабул қилинган янги қонунга кўра, энди жамоат жойлари ва шаҳар кўчаларида ҳақоратли сўзлар ишлатган кишилар маъмурий жавобгарликка тортиладиган бўлди. Янги ҳужжатда агар кимда-ким ушбу қонунга бузса, 250 евро жарима тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳукумат вакиллари сўзларига қараганда, мазкур қонун полиция маҳкамасига аёллар томонидан тушаётган кўп рақобатли шикоятлар сабаб қабул қилинган.

ФРАНЦИЯ ЎЗ МИЛЛИОНЕРЛАРИДАН АЙРИЛАЯПТИ



Франция президенти Франсуа Олланд мамлакат иқтисодиётини тиклаш мақсадида энг бой фуқароларни 75 фоиз миқдордаги солиққа тортишга қаратилган қарор қабул қилди. Олланднинг сўзларига қараганда, миллионерларнинг оммавий кетиши ҳам бу режага тўсқинлик қила олмайди. Мутахассислар эса мазкур ислохот мамлакатда 10 фоизлик даражага етган ишсизликни пасайтиришга ижобий таъсир ўтказишни таъкидламоқдалар. Олланднинг юқоридаги қароридан норози бўлган миллионерлар орасида дунё бойлари рўйхатида 4-ўринни банд этиб турган энг бадавлат фуқаро, LVMH компанияси раҳбари, 63 ёшли Бернар Арно ҳам бор. У айни пайтда Бельгия фуқаролигини олишга қарор қилган.

ЗИЛЗИЛА 551 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЗАРАР КЕЛТИРДИ



Хитойнинг Юньнань провинциясида юз берган зилзила туфайли ҳалок бўлганлар сони 80 кишига етди. Табиий офат худуд инфратузилмасига, хусусан, алоқа линияларига жиддий шикаст етказган, транспорт алоқаси издан чиққан. Юньнандаги зарар кўрган худудлардан 100 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли олиб чиқилди, яна шунча фуқаро эса шошилишч эвакуацияга муҳтож. Табиий офат провинциядаги 6650 та уйни вайрон қилган. Мутахассислар табиий офатдан кўрилган иқтисодий зарар қарийб 551 млн. долларни ташкил этишни тилга олмоқдалар.

Реклама

SD PAPER

МЧЖ корхонаси
2,5 кг. А4 ҳажмдаги офсет
қорозларини таклиф этади.

SD PAPER
Laser, copier and inkjet.

A4 80 500

100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш.
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 А-уй.
Мурожаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 249-40-04.

МАРСГА ЕТИБ БОРАСИЗ, АММО ҚАЙТИШДА...



NASA фазо агентлигининг «Curiosity» марсоходи томонидан Қизил сайёра обдон ўрганилаётган бир пайтда (2011 йилнинг 26 ноябрида Ердан учирилган аппарат 2012 йилнинг 6 августида Марс сатҳига муваффақиятли қўндирилган) голландиялик фазога қизиқувчилар учун Марсга олиб чиқиш кампанияси иш бошлади.

— Бортига 4 нафар кишини олган дастлабки ракетани 2023 йилда жўнатишни режалаштирганамиз. Бундан аввалроқ, яъни 2016 ва 2022 йилларда эса Қизил сайёрага махсус база, шунингдек, озиқ-овқат, сув ва ҳаво захиралари юборилди, — дейди «Mars One» лойиҳаси муаллифларидан бири Бас Лансдорп.



ҚОЯДАГИ МЕҲМОНХОНА

Гарбий Европа ҳудудига жойлашган Монблан тоғ бағрида альпинистлар учун меҳмонхона барпо этилди. Refuge du Gouter номини олган иншоот 3835 метр баландликда жойлашган бўлиб, лойиҳалаштиришга қарийб 5 йил, яна 3 йил қурилишга сарфланди. 120 кишига мўлжалланган мазкур меҳмонхона қиймати қарийб 6 млн. еврони ташкил этади.



Миржалол КОСИМОВ:

«Кураш ҳали давом этади»

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасида ўтказилган навбатдаги учрашувда Жанубий корейликлар билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади

Шўхрат ХҲҲАЕВ, «XXI ASR»

Таъкидлаш жоизки, 11 сентябрь кунги ўйинга қадар Халқаро Футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) рейтингига 200 дан ортиқ жамоа орасида 70-ўринни эгаллаб турган миллий термамиз мазкур рўйхатнинг 27-погонасини банд этган Жанубий Корея билан 9 марта тўқнаш келган бўлса, ўзaro учрашувларнинг фақат биттасида (1994 йили Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинлари, 1:0) ҳамюртларимиз ғалаба қозongan ва яна битта баҳсда («ЖЧ-2006» саралаш босқичи, 1:1) кучлар тенг келган эди.

Шунга қарамай, Одил Аҳмедов, Азиз Ҳайдаров, Исрол Тухта-хўжаев ва Шавкат Муллажонов каби асосий таркиб футболчиларисиз майдонга тушган жамоамиз беллашувнинг илк дақиқаларида ноқ кучли рақибдан қўрқмасдан ўйнай олишларини намойиш этди. Аҳамиятlisi, ана шу ҳаракатлар тез орада ўз самарасини берди. 12-дақиқада Санжар Турсунов бурчакдан узатилган тўпни боши билан дарвозага йўллаётган пайтда зарбани қайтармоқчи бўлган корейлик футболчи ўз посбонини доғда қолдириб қўйди.

Миржалол Қосимов шогирдлари ҳисобдаги устуниликни тануфусга қадар сақлаб қолишлари мумкин эди. Бироқ биринчи бўлим якунилиши арафасида Игнатий Нестеров йўл қўйган хатолан унумли фойдаланган Квак Тае Хви ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда ҳам ҳар икки жамоа дарвозаси бир мартадан иш-ол қилинди. Жумладан, 57-дақиқада Ли Дон Гук корейликларни ҳисоб-да олдинга олиб чиққан бўлса, 60-дақиқада амалга оширилган бурчак зарбаси яна жамоамизга омад келтирди. Бу сафар голга Санжар Турсуновнинг ўзи муаллифлик қилди.

Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Александр Гейнрих ва Тимур Кападзе жамоамизга ғалаба келтиралиган тўпни киритиш имконига эга бўдилар. Бироқ улар вазиятлардан унумли фойдалана олмаганлари боис ҳисоб ўзгармай қолди.

Агар Қувайт билан ўртоқлик учрашуви бўлмаганида, биз Жанубий Корея билан бутунгидек ўйин кўрсата олмадик, — деди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М.Қосимов. — Бугунги ўйин учун йигитларга миннатдорлик билдираман. Бизни қўллаб-қувватлаб турган мухлисларга ҳам раҳмат айтаман. Мазкур учрашувда ютишимиз ҳам, ютказишимиз ҳам мумкин эди. Шу ўринда Жанубий Корея мазкур беллашувдан аввал фаворит сифатида қаралаётганини, умуман, улар гуруҳда ҳам энг кучли эканликларини айтиб ўтиш жоиз. Фурсатдан фойдаланиб, нима бўлганда ҳам, жаҳон чемпионати

йўлланмаси учун курашни давом эттиришимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

— Рақибимиз ўйлаганимдан ҳам яхшироқ ўйин кўрсатди. Учрашувдан аввал ўтказилган матбуот анжуманида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси ўз уйда кучли ўйин кўрсатишини айтиб ўтганим. Бугун бу амалда ўз иш-ботини топди, — деди Жанубий Корея терма жамоаси бош мураббийи Чой Канг Хи.

Гуруҳнинг бошқа учрашувидан Ливан термаси қўтилмаганда эронликларни 1:0 ҳисобида маълумиятга учратди. Натижалар 4 та ўйиндан сўнг 4 очко жағнарган ливанликлар 3 та ўйинда 2 очко тўплаган Ўзбекистон термаси жамоасидан ўтиб кетди. 16 октябрь кунги бўлиб ўтадиган 5-турда Ливан жамоаси дам олса, ҳамюртларимиз сафарда Қатар термаси билан беллашадилар (мазкур ўйиндан 4 кун аввал ҳамюртларимизнинг Доҳада Ироқ билан ўртоқлик учрашуви ўтказишини таъкидлаш ўринли).

Ҳозирча турнир жадалининг иккинчи погонасини банд этиб турган Эрон эса Жанубий Кореяни қабул қилади. Хулоса ўрнида Миржалол Қосимовнинг бир қатор исстеъдодли ёшларга ишонч билдираётгани, ниҳоят, терма жамоаси учун кетма-кет ўртоқлик учрашувлари ташкил этилаётгани ўз самарасини бераётгани айтиб ўтиш жоиз. Умид қўламизки, кейинги учрашувларда футболчиларимиз мухлисларга ғалабали онларни тақдим этиб, аввалги муваффақиятсизликлар тасодиф эканини исботлайдилар.

— Биласанми, кейинги пайтда метеорологларимиз об-ҳаво башоратини нотўғри айтadиган бўлишди! Мана, масалан, кеча кун давомида об-ҳаво очик бўлади, дейишганди. Эрталаб туриб қарасам, ташқарида ёмғир ёғапти. Уч марта телефон қилиб, эслатишга тўғри келди!



Газетхонларимизга ҳам доимо кўёшли, очик кунлар ҳамроҳ бўлишини тилаб, қуйдаги ҳафталик башоратимизни ҳавола этамиз. Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 13-20 сентябрь кунлари республикамиз ҳудудида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Фақат 13-14 сентябрда гарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, 15-20 м/сгача кучаяди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иллик бўлади. Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 13-14 сентябрь кунлари 25-30, 16-17 сентябрда 28-33 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво бўлиши кузатилади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Пойтахт вилояти ва шаҳрида ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 13-14 сентябрь кунлари 25-30, 16-17 сентябрда 28-33 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда кечаси 7-12, ҳафтанинг дам олиш кунлари кундузи 15-20 даража иллик бўлиши кутилмоқда.

Лойиҳа

ГАЗ «ГАЗЕЛ»ЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИҒМОҚЧИ




Россиянинг «Группа ГАЗ» компанияси яқин келажақда Ўзбекистонда «Газель» автобусларини йиғишни режалаштирмоқда. Olat.uz сайтида хабар қилинишича, компания мамлакатимизда «Газель-Бизнес», шунингдек, 17 йўловчига мўлжалланган «ГАЗель Next» автобусларини йиғишни йўлга қўйишни мақсад қилган. — Бизнес-режими деярли тайёр. Кейинги йил лойиҳамизни Ўзбекистон ҳукумати тақдим этишни кўзда тутганмиз, — дейди компаниянинг сотув ва маркетинг ишлари бўйича директори Олег Марков. Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда ГАЗ юк автобусларига хизмат кўрсатадиган 5 та сервис маркази ва савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Маданият

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ТУГИЛГАН МУСИҚА

Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Теримиз шаҳарларида Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концертлар бўлиб ўтди. Аҳамиятlisi, 7-10 сентябрь кунлари «Eurasian Club» нотижорат ташкилоти ва Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ташаббуси билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағнамаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, шунингдек, концертларга мезбонлик қилган шаҳарлар ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ана шу тадбирларда томошабинлар Ипак йўли биллаштирган халқларнинг, хусусан, япон, ҳинд, непал миллий чолғу асбоблари садоларидан баҳраманд бўладилар. Хабарларга кўра, концертлар давомида Япония Миллий этнография музейи фахрий профессори, «Дўстлик» ордени соҳиби, Теримиз шаҳрининг фахрий фуқароси, мамлакатимизда буддавийликка оид археологик қазималарда фаол иштирок этган Кюдэо Катонинг 90 йиллик юбилейига бағишланган тадбирлар ҳам ўтказилди.



Эълон

Тошкент шаҳри Яққасарой туман ҳокимлигининг 2010 йил 1 июлдаги 005447-11-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «ИКТ-PRO-Sistem» масъулияти чекланган жамияти туғатилади. (ИНН 207087450, ОКПО бўйича коди 23355800) Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Братислав кўчаси, 11-уй. Тел: 170-09-79.

ОАТБ «Турон банк» томонидан 2012 йил Назарова Назоқат Мирсultonова номига берилган № 089 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

О.З.И.Д.Р. Миробод туман кенгаши партиянинг Миробод туман кенгаши раисининг Авиллар масалалари бўйича уринбосари ФЕРУЗА РАХИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлиқ билдиради.

Реклама

Advertisement for Ksimelin (Ksilometazolin) eye drops. Includes text: 'КСИМЕЛИН® Ксилометазолин', 'Быстрее насморка!', and 'Равномерно орошает всю слизистую носа...'.

Advertisement for Iodomarin (Йодомарин) iodine supplements. Includes text: 'Йодомарин®', 'Море всегда с тобой!', and 'Устраняет дефицит йода'.